

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**“БОЙСУН –БАҲОРИ” ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ: ТУРИЗМ
САЛОҲИЁТИ”**

**Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий
маданияти халқаро илмий-амалий анжумани**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ
«БАЙСУН –БАХОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА**

*Материальная и духовная культура Байсуна в мировой
цивилизации*

**«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE
FESTIVAL TOURISM POTENTIAL**

Material and Spiritual Culture of Boysun in World Civilizations

**ТОШКЕНТ
«YOSH AVLOD MATBAA»
2022**

изучения ранних форм семейно-брачных отношений // Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1970. – С. 255.

ОТ ВА ТУЯ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАВИЙ ЭТНОСПОРТ ЎЙИНЛАРИ ВА УНИНГ ЭТНО ВА ЭКОТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

**Т.ф.н. А.Р.Қаюмов,
ЎзМУ таркибидаги “Амалий
этнология” лабораторияси**

Халқ ўйинлари этноспорт сифатида қадимги даврлардан Марказий Осиё халқларининг кўплаб урф-одат, маросимлар, тўй ва оммавий байрам томошаларининг узвий қисми бўлган. Айниқса, от ва туя билан боғлиқ чавгон, кўпкари, от пойга, туя пойга каби халқ ўйинлари ёш авлодда абжирлик, чакқонлик, экстремал вазиятларда тез ва тўғри қарор қабул қилиш қўникмаларини шакллантирган.

Халқ ўйинлари ҳақидаги муҳим маълумотлар тарихий қўлёзма манбалар, археологик, этнографик, фольклоршунслик материалларида акс этган. Бугунги кунда халқ ўйинларини мазмун-моҳияти илмий жиҳатдан таҳлил этиб, тарихий манбалар, этнографик материаллар асосида қайта тикланиши миллий анъаналарни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда айниқса, ёшлар, ўрта ёшлилар қатнашиши мумкин бўлган от ва туя билан боғлиқ пойга, чавандозлик машқлари, чавгон каби оммавий халқ ўйинларини тарихий манбалар асосида тиклаб, уларни саҳро ўйинлари негизида қайта ташкил этиш, оммавий этноспортни ва аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Халқ ўйинларининг тарихи ва тавсифи ҳақидаги дастлабки батафсил ёзма маълумотлар маълумотлар Махмуд Қошғарий, [Юсуф Хос Ҳожиб](#), [Абу Райҳон Беруний](#), [Ибн Сино](#), [Абдулқосим Фирдавсий](#), [Абу Абдуллоҳ Рудакий](#), [Абдураззоқ Самарқандий](#), [Унсур ал-Маолий](#), [Алишер Навоий](#), [Заҳириддин Бобур](#) каби алломаларнинг асарларида учрайди.

Масалан, Махмуд Қошғарийнинг “Девон-у-луғатит турк” асарида бундан минг йил бурун Туркистондан Термизгача, Хазар ва Орол соҳилларидан Тангритоғ этакларича бўлган ҳудудда яшаган

туркий халқлар (чиғил, яғмо, туркман, ўғиз, қирғиз)га тегишли 150 га яқин халқ ўйинлари ҳақида кизиқарли маълумотлар берилган. Ва шундан 20 тага яқин халқ ўйинларига батафсил таъриф берилиб, катталар ва болаларнинг ёш жиҳатларига нисбатан мос бўлган ўйин турлари алоҳида кўрсатиб ўтилган. Махмуд Қошғарий ўйинларни диққат билан ўрганиб, уларни ҳам жисмоний, ҳам ақлий машғулотларга ажратган. Шунингдек, девонда ўша даврда отда пойга чопиш, қувланиш, тез йўртиб туриш, тоққа чиқиш, пастликка тушиш каби “баҳс”ларнинг баёни ҳам келтирилган.

Девонда болалар ўйинларининг тури кўп учрайди. Уларнинг баъзилари йўл-йўлакай санаб ўтилган бўлса, баъзи бир ўйинлар тафсилоти билан келтирилган. Ошиқ ўйини, тўп ўйини, чўпон болалар ўйинлари, чиллак ўйинлари, қизларнинг арғимчоқ ўйинлари ҳам бирма-бир санаб ўтилган.

Ўша даврдаги кўпгина ўйинлар болаларнинг ҳозирги даврдаги ўйинларини эслатади. Масалан, “Ўтиш-ўтиш” деб аталган ўйин “Кесак куйди”, “Дарра солди”, “Мушт кетди” ўйинларига ўхшаб кетади. Амударё ва Сирдарё соҳилларида, Орол этакларида, шунингдек, яқин жойлардаги сойлар, анҳорлар, ҳовузлар ва кўллар бўйларида болаларнинг “Мугуз-мугуз” номли қадимий ўйини ўйналган.

Абу Али ибн Сино нафақат машҳур шифокор, файласуф, шоиргина бўлиб қолмасдан, балки халқ ўйинларига доир ғоят рангбаранг нодир мерос қолдирган алломадир. У халқ ўйинлари ҳақида фикр юритар экан, айниқса бадантарбиянинг киши учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берди. Ибн Сино инсон организмни соғломлаштириш ва касалликни даволаш нуқтаи назаридан қараб, халқ ўйинларидан бири бўлган бадантарбияни бешта асосий қисмга ажратади. Жумладан, тез ҳаракатлар, нозик ва енгил ҳаракатлар, кучлироқ ҳаракатлар, ўрта кучли ҳаракатлар, гавда учун махсус ҳаракатлар каби турларга бўлган ва улар асосан, миллий халқ ўйинлари ёки уларнинг айрим унсурлари орқали амалга оширилган. Айниқса, отда ёки туяда юриш, сайр этиш, от пойга, чавгон ўйини каби мусобақа туридаги ўйинларнинг бадантарбия учун катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берган. Олим ўйин турлари ва унсурларини шунчаки санаб ўтмасдан, балки халқ донишмандлиги асосида ўзининг кучли билими билан уларни бойитиб, инсон камолоти учун қайси тарзда фойдали эканлигини тушунтиради.

Кайковуснинг “Қобуснома” асари мўъжаз ривоятлар, ихчам латифалар, кичик-кичик ҳикоятлардан иборатдир. Унинг “хунар афзаллиги ва қадри баланд, олий табиатли бўлиш ҳақида”, “Чаҳорпой (от) сотиб олмоқнинг зикрида”, “Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида” деган бобларида халқ ўйинларига тегишли бўлган маълумотлар берилган. Кайковус ёшларга хилма-хил касб эгаллашни, турли хил хунар ўрганишни тавсия қилади, яъни ўша пайтда жисмоний тарбия ҳарбий амалий тавсифга эга бўлгани учун ҳарбий кишига ҳарбий илмларни – сувда сузишни, от минишни, чавгон уришни, буйруқ беришни ўрганишни тавсия қилади. Ўша давр тақозосига кўра, бундай ҳарбий илмларни ўрганиш замоннинг талаби бўлган.

Кайковус чавгон ўйинининг тартиби, қоидалари ҳақида ўринли маслаҳат беради. “Эй фарзанд, агар томоша учун бир-икки мартаба чавгон ўйнасанг раводур ва лекин кўп отлиғ била чиқиб оломон қилмагилким, саккиз отлиғидин зиёда бўлишга ҳожат йўқ. Сен майдоннинг бир бошида тургил, яна бир киши майдоннинг охирида турсин. Олти киши майдонда тўп урсин, ҳар вақт тўп сенинг тарафингга келса, тўпни ургил ва майдоннинг охирига сургил, аммо оломоннинг ичига етмагил, чавгон ўйинининг йўли шудир. Шу билан бирга, маррага етказишга муваффақ бўл.

Умар Хайёмнинг “Наврўзнама” асари узок тарихимиз, наврўз байрамининг келиб чиқиши, шунга боғлиқ аجدодларимиз урф-одатлари, расм-русумлари, анъаналари ва халқ ўйинлари ҳақида батафсил маълумот беради. У “Наврўз”да ўтказиладиган халқ ўйинларидан қиличбозлик, тийрандозлик, чавандозлик каби одатлар ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Алишер Навоий (1441-1501) ўзининг “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Махбуб ул-қулуб” ва бошқа қатор асарларида халқ ўйинларига меҳр билан қараб, уларга бирма-бир таъриф-тавсиф берган. Айниқса, унинг асарларида бадантарбияни “*илми бадан*” ёки “*бадан илми*” ёхуд “*кўнгул тарбияси*” миллий спорт турларини ифодалаш учун “*зўри*”, “*диловарлиғ*”, “*зўй*”, “*силаҳишурлик*” каби атамалар қўлланган. Шунингдек, у “шатранж”, “тийрандозлик”, “чавандозлик”, “найзабозлик”, “чавгон”, “қовоқ”, “кураш”, “қиличбозлик” каби қадимий халқ ўйинларини ўзининг лирик ва эпик асарларида тасвирлаган.

Амир Темурнинг ёшлик пайтиданоқ кураш, чавандозлик, найзабозлик, қалқонбозлик, тийрандозлик, қиличбозлик ва ов қилиш илмини мукамал эгаллаганлиги Темур тузуклари,

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларида тасвирлаб берилган.

Ўрта Осиё халқларининг жуда қадимги ҳамда сеvimли миллий от спорти ўйинларидан бири **чавгон** ўйини отда ўйналадиган жамоавий этносспорт ўйинларидан биридир. Қадимги Шарқда чавгон чорвадорлар ўйини сифатида пайдо бўлган. Кейинроқ отлик аскарларнинг машғулотига айланган. Шарқ халқлари чавгон тўпини “гўй”, эгри таёғини “чавгон” дейишган. Шу боис бу ўйин баъзида “гўйчавгон” деб ҳам аталган. Бу тарихий кўлёмаларда ўз ифодасини топган. Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Абдулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома”, Кайковуснинг (Унсур ал-Маолий) “Қобуснома”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Мажлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ва бошқа манбаларда чавгон ўйинига оид кимматли маълумотлар бор.

Махмуд Қошғарий ўз асарида бу ўйинга тааллуқли бўлган “**тангук**”, “**тасал**”, “**тобиқ**” каби атамаларга тўхталиб ўтган. Масалан, чавгон ўйинида коптокни тортилган ўтовдан ўтказганга берилладиган ипак кийимлик “тангук”, ўйин майдонида чегарани белгилаб чизилган чизик “тасал” деб аталган бўлса, “тобиқ” эса чавгон билан уриладиган копток, тўп тушунилган.

XVI аср миниатюра мактабига мансуб номаълум мусаввирнинг «Чавгон ўйини» асарида бу ўйиннинг қизгин лаҳзаси тасвирланган. Заҳириддин Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома”сида “чавгон” ўйини ҳақида қимматли маълумотларни келтирган. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, “Бобурнома”да бобурий маликалар, аслзода аёллар ўртасида ҳам чавгон ўйини ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Бу анъана Шарқ адабиётида ҳамон давом этиб келади. Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Хумоюн ва Акбар» номли тарихий романи бобурий маликаларнинг чавгон ўйинига тайёргарлигини тасвирлашдан бошланади.

Чавгон ўйини Амир Темур ва Темурийлар даврида ёшларни эпчил, чакқон ва жанговар қилиб тарбиялашда кўпқари, от пойга, чавандозлик сингари от спорт мусобақаси сифатида янада ривожланган. Чавгон ўйини айнан бобурийлар салтанати даврида Ҳиндистонда кенг оммалашган ҳамда эркаклар ва аёллар ҳам қатнашиши мумкин бўлган мусобақа туридаги жамоавий ўйинга айланган. 1850 йилда Ҳиндистонда хизмат қилаётган инглиз от-

лик аскарлари чавгон ўйинига қизиқиб қолишган ва дастлабки мусобақаларни ўтказишган. 1871 йилда Буюк Британияда чавгон (поло) мусобақаси ташкил қилинган. Шу тариқа чавгон олдин Европа, кейин Америка давлатларига тарқалган. 1900, 1904, 1920, 1924 ва 1936 йилларда бўлган олимпиада ўйинлари дастуридан ҳам жой олган. Замонавий чавгон ўйини ҳозирги пайтда кўплаб давлатларда «поло» деб аталади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам замонавий “човгон” –“поло” ўйини кириб келган ва ҳаттоки, “Поло” федерацияси ҳам фаолият юритмоқда.

Халқ ўйинларини ўтказиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини кенг оммалаштиришга қаратилган давлат сиёсатидан келиб чиқиб, сахро ўйинларинегизида от ва туя билан боғлиқ этносспорт турларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки анъанавий халқ ўйинлари туркумида от ва туя билан боғлиқ этносспорт мусобақалари кўпчиликни бирдек қизиқтириши билан муҳим ўрин тутаяди. Иштирокчилар нафақат томошабин сифатида, балки бевосита ўйиннинг иштирокчиси сифатида ҳам қатнашиб, завқ олишни хоҳлайди. Шундан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

- Сахро ҳудудларида от ва туяда пойга, чавандозлик, чавгон ўйинларини тарихий, этнографик материалларга асосланиб, асл ҳолатини тиклаш ва аҳолининг кенг қатламлари, туристлар учун мақбул бўлган вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда уни ташкил этиш;

- Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида Қизирикдара, Қарши чўлларида от ва туя билан боғлиқ халқ ўйинлари ўтказиладиган “Чўл спорт базалари”ни ташкил этиш;

- “Чўл спорт базалари»да чавгон ўйинини ўтказиш учун отларни тайёрлайдиган ва ўйинларни ташкил этадиган йўриқчилар (мастер) тайёрлаш;

- Аёллар чавгон ўйинини ўтказиш учун махсус йўриқнома ва йўриқчилар тайёрлаш ва уларни бу этносспорт турига кенг жалб этиш;

- Сахро эко ва этно туризми йўналишида туяда “карвон саёҳати”ни йўлга қўйиш ва маршрутлари ва вақтини белгилаш;

- Аёлларнинг от ва туяда сайр этиш кўникмаларини шакллантириш учун аёллардан йўриқчилар тайёрлаш;

- От ва туя билан боғлиқ халқ ўйинлари ва “қарвон саёҳати” га аҳоли ҳамда туристларни кенг жалб этиш учун икки йилда бир марта Қизириқдара ва Қарши даштларида от ва туя билан боғлиқ халқ ўйинлари челленжини ташкил этиш.

Албатта чўл ҳудудлари экотизими жуда хилма-хил ва ранг-баранг. Айниқса, баҳор фаслида табиатнинг уйғониши ва чексиздек кўринган кенгликдан баҳраманд бўлиш албатта ҳар бир кишини қизиқтириши табиий. Бунинг учун халқ ўйинлари ва тарихий миллий анъаналар билан уйғунлашган от ва туяда сайр, чўл бўйлаб “қарвон саёҳати”га чиқиш, чавгон ўйинини ташкил этилиши аҳолининг жисмоний фаоллигини оширишда ва чўл экотуризмини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ТАОМ-ЭТНИК МАДАНИЯТ ҲОСИЛАСИ ("ОҒИЗ СУТИ" ТАОМЛАРИ МИСОЛИДА)

**Қурбонова Манзила Боқиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Бухоро давлат университети**

Сут инсон дунёга келган кундан бошлаб оғзига тегадиган бе-баҳо неъматдир. Сут деярли нон сингари ардоқли таом эканини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро воҳаси аҳолиси сут ва сут маҳсулотларини кенг истеъмол қилганлар. Овқат тайёрлашда асосан сигир, кўй, баъзан эса туя ва бия сутидан ҳам фойдаланилган.

Воҳа хўжалигида кўй,сигир, туя ва от энг қимматли мол сифатида қадрланган ва уларнинг пирларига эътиқод қилинган. Кўй отаси “Қамбарота”, сигир отаси “Занги ота”, туя отаси “Ўйсил Қора” [1,-Б.112-113], Бия отаси “Дулдул ота” [2,-С.23] ларга халқ ўз орзу-истакларининг ижобатини, хайр-баракасини Аллоҳдан сўраб, уларга атаб қурбонликлар уюштирилган.

Воҳа аҳолиси асосан сигир сутини истеъмол қилади.Сигир сутининг химиявий таркиби кўпгина омилларга боғлиқ. Буларга иқлимий-географик шароитлар, хайвоннинг зоти, уни сақлаш ва боқиш хусусиятлари киради.

Сут ўзининг химиявий таркибига кўра хайвонот маҳсулотлари ўртасида ғоят муҳим ўрин тутади.Сигир сутининг химиявий тар-